

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВ НОРМАМАТ БЕКНАЗАРОВИЧ

**РАДИАЦИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКСИ БАЗАСИДА
ТИББИЁТ, ПОЛИМЕР МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ПРЕПАРАТЛАРИ ХОМ-АШЁЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва услублари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Исматов Нормамат Бекназарович

Радиациявий технологик комплекси базасида тиббиёт, полимер маҳсулотлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларига ишлов бериш технологияларини яратиш 3

Исматов Нормамат Бекназарович

Разработка технологий обработки медицинских, полимерных изделий и сырья фармацевтических препаратов на базе радиационно-технологического комплекса..... 23

Ismatov Normamat Beknazarovich

Development of technologies for treatment of medical, polymeric products and raw pharmaceutical preparations based on the radiation-technological complex..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВ НОРМАМАТ БЕКНАЗАРОВИЧ

**РАДИАЦИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКСИ БАЗАСИДА
ТИББИЁТ, ПОЛИМЕР МАҲСУЛОТЛАРИГА ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ПРЕПАРАТЛАРИ ХОМ-АШЁЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва услублари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т967 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташметов Маннаб Юсупович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахматов Аҳмад Зайнидинович**
техника фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Гаяна Артоевна
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган Бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “ _____ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

С.В.Артемов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Э.М. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида тиббиёт технологиясининг ва фармакологиянинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги тиббиёт буюмларининг ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларининг юқори даражада зарарсизлантирилишини (стерилизациялашни) талаб этмоқда. Полимерлардан тайёрланадиган буюмларнинг саноат соҳаларида кенг қўлланиши эса тайёр маҳсулотларнинг янги сифат ва хоссаларга эга бўлишини талаб қилмоқда. Буюм ва маҳсулотларни зарарсизлантирилиш бўйича ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш ва полимерлардан тайёрланадиган буюмларнинг хусусиятларини яхшилаш ҳамда уларга янги хоссалар бериш мақсадида ишлов беришда радиациявий технологик мажмуаларнинг асосий қисми бўлган электрон тезлатгичлардан фойдаланилади.

Жаҳонда таркибида электрон тезлатгичлари, уларнинг транспортер тизимлари ҳамда ходимларнинг хавфсизлигини ва буюмларга сифатли ишлов беришни таъминлайдиган махсус хоналари мавжуд бўлган радиациявий технологик мажмуаларни яратишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун электронлар тезлатгичи асосида универсал ва самарадорлиги юқори бўлган радиациявий мажмуаларни ишлаб чиқиш, яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш устувор вазифа ҳисобланади. Электронлар тезлатгичи базасида кўплаб радиациявий мажмуалар ишлаб чиқилган ва яратилган. Ушбу яратилган мажмуалар тиббиёт буюмларини ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантириш ёки полимер буюмларни радиациявий модификация қилиш каби муайян турдаги масалаларни ечишга мўлжалланган. Кўпгина буюмларга ва материалларга радиациявий ишлов бериш технологиялари мавжуд бўлса-да, лекин улар муайян радиациявий технологик мажмуанинг характеристикаларини ҳамда ишлов бериладиган буюмларнинг дастлабки ифлосланганлик даражасига ва ҳолатига боғлиқ тарзда ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда тиббиёт буюмлари ва дори воситалари ишлаб чиқарувчи 150 дан ортиқ корхона бўлиб, улар фаолиятида 2000 дан ортиқ турдаги буюм ва фармацевтика препаратларини ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқарилаётган ушбу буюмларнинг аксарият қисми юқори даражада ва саноат кўламида зарарсизлантиришни талаб этади. Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқарилаётган полимер ва полимердан тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифатини ва хоссаларини яхшилаш эса уларнинг қўлланилиш соҳаларини кенгайтиришга имкон беради. Шунинг учун радиациявий технологик мажмуа яратилиши ва унда турли буюмларга ишлов бериш усулларини ишлаб чиқилиши долзарб бўлиб, импорт ҳажмини камайтиради ва Республикамиз эҳтиёжларини қисман қондиради. Республикамизда тиббиёт буюмларини, фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантириш ва полимерлардан тайёрланадиган

буюмларнинг хоссаларини яхшилашга, сифатли ва сарф-ҳаражати кам бўлишига қаратилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ дастурига мувофиқ тарзда, тиббиёт буюмлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини радиацияни қўллаб зарарсизлантириш ҳамда полимерлардан тайёрланадиган буюмлар хоссаларини яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” ҳамда VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиёт буюмларини радиациявий зарарсизлантириш ҳамда полимер материаллари ва буюмларига радиациявий ишлов бериш бўйича илмий-амалий муаммоларни ечиш учун электронлар тезлатгичи базасида радиациявий технологик мажмуалар ишлаб чиқишда дунёнинг кўплаб олимлари, жумладан: россиялик (В.Л. Ауслендер, А.А. Брызгин, М.В. Коробейников, А.А. Завадцев, И.В. Радченко, Л.А. Воронин, Э.А. Мирочник, В.М. Пироженко, М.Ф. Ворогушин, А.П. Строкач, О.Г. Филатов, Ю.Н. Гавриш, С.В. Будник, Н.В. Завьялов, И.А. Иванин), хитойлик (L. Najie, Z. Mingsheng), польшаллик (Z. Zimek, I.M. Kaluska), америкалик (C.S. Nunan, M.R. Cleland, R.W. Hamm), англиялик (G. Burt), ҳиндистонлик (D. Kanjilal), япониялик (K. Takayama, S. Igarashi) ва бошқа мутахассислар катта ҳажмдаги ишларни олиб борган. Бу ишларнинг барчасида тиббиёт буюмларни зарарсизлантириш, фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантириш ва полимерларни радиациявий модификациялаш каби муайян турдаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган радиациявий технологик мажмуалар ишлаб чиқишга бағишланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

Ўзбекистонлик олимлар (М.Ю. Ташметов, Б.С. Юлдашев, Ш.Махкамов) Ядро физикаси институтининг гамма қурилмасида тиббиёт буюмларини ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини радиациявий зарарсизлантириш ҳамда материаллар сифатининг яхшиланишини таъминловчи радиациявий ишлов бериш йўналишидаги илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишда салмоқли ҳисса қўшишган. Аммо бугунга қадар тиббиёт буюмлари, фармацевтика препаратлари хом-ашёлари ва полимер буюмларига муайян радиациявий технологик мажмуаларнинг параметрларини ҳисобга олган ҳолда яратилган технологиялар асосида радиациявий ишлов берилган.

Шу боис ҳар бир буюм ва маҳсулот учун радиациявий зарарсизлантириш технологиясини муайян радиациявий технологик мажмуанинг характеристикалари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш зарур. Радиациявий технологик мажмуа эса электронлар тезлатгичининг параметрлари ва ҳар бир мамлакатнинг меъёрий ҳужжатлари асосида яратилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг А10-ФА-Ф130 “Электроника У003” электрон тезлаткич базасида тиббиёт маҳсулотлари ва фармацевтика препаратларини узлуксиз радиациявий зарарсизлантириш технологияларини яратиш” (2012-2014), ФА-А12-Ф008 “Электроника У003” электрон тезлатгичи базасида полимер маҳсулотларини иссиқлик таъсирида кичраювчи радиациявий чоклаш технологиясини яратиш” (2015-2017), И2-ФА-Ф010 “Тиббиёт маҳсулотларини ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини ишлаб чиқариш шароитида радиациявий зарарсизлантириш технологиясини ўзлаштириш” (2016-2017) илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади “Электроника У003” электронлар тезлатгичи базасида радиациявий технологик мажмуа яратиш ва тиббиёт буюмларини ҳамда фармацевтика препаратлари хом-ашёларини радиациявий зарарсизлантиришнинг, шунингдек, полимер буюмларини чоклашнинг радиациявий усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буюмларни нурлантириш зонасига киритиш ва нурлантириш зонасидан чиқариш учун конвейер типидagi транспортёр тизимини яратиш;

ишлов бериладиган буюмларни юқори даражада биржинсли нурлантиришни таъминлайдиган карусель типидagi мослама ва найча шаклидаги полимер буюмларга радиациявий ишлов бериш учун осма конвейер линиясини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;

транспортёр тизимни ва осма конвейер линиясини автоматлаштирилган ҳолда масофадан бошқариш учун бошқарув пультаини ишлаб чиқиш ва яратиш;

жарроҳлик тикиш материалларини, табиий латекс тиббиёт қўлқопларини ва ногўқима материалдан тайёрланган бир марталик жарроҳлик тўпламларини радиациявий зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқиш;

фармацевтика препаратлари хом-ашёларини – крахмал ва седоник седатив воситасини радиациявий зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқиш;

полимер буюмларига ва материалларига иссиқликдан кичрайиш хоссасини берувчи радиациявий чоклаш усулини ишлаб чиқиш;

саноат миқёсида буюмларга ва материалларга радиациявий ишлов беришни ташкил этиш.

Тадқиқотнинг объекти “Электроника У003” электронлар тезлатгичи базасида радиациявий технологик мажмуа, бир марта ишлатилувчи тиббиёт буюмлари, фармацевтика препаратлари хом-ашёлари, полимер материаллар ва буюмлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети тезлаштирилган электронлар дастасининг характеристикалари, зарарсизлантирилаётган буюмларнинг микробиологик таҳлили ва материалларнинг физика-механикавий хоссалари ҳамда объектларни биржинсли нурлантириш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электронлар тезлатгичини аттестация қилиш усули, электронлар энергиясини аниқлаш, ютилган дозани аниқлаш, материаллар ва буюмлар мустаҳкамлигини текшириш, найча шаклидаги полимер буюмларнинг диаметрини ошириш, тезлаштирилган электронлар оқимида зичлик тақсимотини аниқлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Электроника У-003” русумли электрон тезлатгичи базасида маҳсулотларни нотекистик коэффициентининг 1.2 қийматигача бир жинсли нурлантиришни таъминловчи кўп функцияли карусель мосламаси ва полимер найларига радиациявий ишлов берувчи осма конвейер линияси мавжуд бўлган радиациявий технологик мажмуа ишлаб чиқилган;

кетгут ва ипак толали жарроҳлик тикиш ипларини энергияси 3÷7 МэВ ва даста токининг зичлиги 50 нА/см² дан 160 нА/см² гача бўлган тезлаштирилган электронлар билан радиациявий зарарсизлантиришнинг самардорлиги юқори бўлган янги усули ишлаб чиқилган;

фармацевтика препаратлари хом-ашёси ҳисобланган крахмални даста токининг зичлиги 80 нА/см² гача бўлган ва седатив восита седоникни даста токининг зичлиги 50 нА/см² гача бўлган 3÷5 МэВ энергияли тезлаштирилган электронлар билан радиациявий зарарсизлантириш усули ишлаб чиқилган;

тезлаштирилган электронлар билан 30÷50 кГр ютилган дозада нурлантирилган изоляцияловчи поливинилхлорид найчаларнинг механик мустаҳкамлигини ошишига (~17 % га) олиб келувчи полимерларини радиациявий чоклаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир марталик табиий латекс тиббиёт қўлқопларни транспорт қутисига жойлаштириш схемаси ва уларни радиациявий зарарсизлантириш усули ишлаб чиқилган;

нотўқима материалдан тайёрланган бир марталик жарроҳлик тўпламлари материалларининг максимал рухсат этилган зарарсизлантириш дозаларини аниқлашга имкон берувчи узилиш юкламасининг ва эластиклик модулининг ютилган дозага чизиқли боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий юқори аниқликдаги асбоб-ускуналарнинг қўлланиши билан таъминланган, электронлар тезлатгичи характеристикаларини текширишда аттестация қилиш усули қўлланилган ҳамда материаллар ва буюмларга радиациявий ишлов беришда давлат қиёслашидан ўтказилган асбоб-ускуналардан фойдаланилгани билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, транспортер тизимдан фойдаланган ҳолда тиббиёт буюмларига, фармацевтика препаратлари хом-ашёларига ва осма конвейердан фойдаланган ҳолда полимер найчаларига радиациявий ишлов бериш имконини берувчи радиациявий технологик мажмуа ишлаб чиқилди ва яратилди. Шу билан бирга кетгут ва ипак толали жарроҳлик тикиш ипларини, нотўқима материалдан тайёрланган бир марталик жарроҳлик тўпламларини ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантиришнинг ва полимер найчаларни радиациявий чоклашнинг самарадорлиги юқори бўлган радиациявий усуллари яратилди, шунингдек ушбу усуллар билан радиациявий ишлов берилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини ва хусусиятларини меъерий ҳужжатларга мослиги таъминланди.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишини бажариш жараёнида амалга оширилган тадқиқот натижалари буюм ва материалларга иқтисодий харажатларни камайтирган ва радиациявий хавфсизликни таъминлаган ҳолда саноат миқёсида сифатли радиациявий ишлов беришидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Электроника У003” электронлар тезлатгичи базасида радиациявий технологик мажмуа яратиш бўйича олинган натижалар:

“Электроника У-003” русумли электрон тезлатгичи асосида ишлаб чиқилган кўп вазифали радиациявий технологик мажмуа даста токининг зичлигини, электронлар энергиясини ва транспортер тизимнинг ҳамда осма конвейер линиясининг тезлигини ҳисобга олган ҳолда саноат миқёсида буюм ва материалларни зарарсизлантириш (ишлов бериш) усулларини ишлаб чиқиш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8 ноябрдаги 2/1255-2952-сон маълумотномаси). Радиациявий технологик мажмуадан фойдаланиш турли ташкилотлар билан Ядро физикаси институти ўртасида тиббиёт маҳсулотлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантириш ҳамда полимер буюмларига радиациявий ишлов бериш бўйича бажарилаётган хўжалик шартномалари доирасидаги хизмат турларининг ошишига олиб келган;

тиббиёт буюмларини (жарроҳлик тикиш иплари, тиббиёт қўлқоплари, нотўқима материалдан тайёрланган жарроҳлик тўпламлари) радиациявий

зарарсизлантиришнинг ишлаб чиқилган усуллари Ядро физикаси институтида бир марталик тиббиёт буюмларини зарарсизлантириш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8 ноябрдаги 2/1255-2952-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган усулларнинг қўлланилиши микробиологик тозаликни меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган даражага етказиш ва “Электроника У003” электронлар тезлатгичида кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ҳамда хўжалик шартномалари бўйича бажариладиган ишлар ҳажмини йилига 1 миллиард сўмга етказиш имконини берган;

крахмал ва седатив восита седоникни радиациявий зарарсизлантиришнинг ишлаб чиқилган усуллари Ядро физикаси институтида фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантиришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8 ноябрдаги 2/1255-2952-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган усулларнинг қўлланилиши фармацевтика препаратлари хом-ашёларининг дориворлик хоссаларини сақлаган ҳолда зарарсизлантириш бўйича бажариладиган хўжалик шартнома ишларининг ҳажмини йилига 100 миллион сўмга етказиш имконини берган;

полимер материалларни радиациявий чоклаш бўйича яратилган усул Ядро физикаси институтида полимер буюмларига ва материалларига янги сифат ҳамда фойдаланиш хоссаларини бериш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8 ноябрдаги 2/1255-2952-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган усуллар “Электроника У003” электронлар тезлатгичида кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш эълон қилинди, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши,

нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Радиациявий мажмуалар ва технологиялар”**, деб номланган биринчи бобида тиббиёт буюмларини, фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантиришнинг мавжуд усуллари ҳамда технологиялари ва полимер буюмлар ва материалларни чоклашнинг мавжуд технологиялари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Тиббиёт буюмларини, фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантиришнинг мавжуд кимёвий, иссиқлик ва радиациявий усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Электрон тезлатгичлар тиббиёт буюмларини, фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантириш, шунингдек, полимер материалларини чоклашни ташкиллаштириш учун универсал қурилма эканлиги асосланган. Адабиётдаги маълумотлар таҳлиliga асосланган ҳолда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланди.


Диссертациянинг **«“Электроника У-003” электрон тезлатгичи базасидаги радиациявий технологик мажмуа»**, деб номланган иккинчи боби материал ва буюмларни бир жинсли нурлантириш учун мўлжалланган икки турдаги конвейер тизимни ўз ичига олган **“Электроника У-003”** электрон тезлатгичи базасидаги радиациявий технологик мажмуани яратишга бағишланган. **“Электроника У-003”** электрон тезлатгичи базасидаги радиациявий технологик мажмуасида намуна ва маҳсулотларни нурлантириш зонасига етказувчи ва нурлантириш зонасидан олиб чиқувчи конвейер типидagi транспортёр тизим кўзда тутилган. Транспортёр тизим тасмали ва занжирли конвейерлардан, шунингдек, карусель мосламасидан ташкил топган. 1-расмда транспортёр тизимнинг принципиал шартли тасвири келтирилган.



1 – нурлантирилувчи объект-транспорт тараси; 2 – маҳсулотларни нурлантириш зонасига олиб кирувчи тасмали конвейер; 3 – маҳсулотларни нурлантириш зонасига олиб кирувчи занжирли конвейер; 4 – карусель мосламаси; 5 – электрон тезлатгич; 6 – маҳсулотларни нурлантириш зонасидан олиб чиқувчи занжирли конвейер; 7 – маҳсулотларни нурлантириш зонасидан олиб чиқувчи тасмали конвейер.

1 - расм. Транспортёр тизимнинг принципиал шартли тасвири (юқоридан кўриниши)

2 – расмда транспортер тизимининг принципиал электр схемасининг кучли ток бўлими келтирилган.



2 - расм. Транспортер тизимни принципиал электр схемасининг кучли ток бўлими

Транспортер тизими принципиал электр схемасининг кучли ток бўлими маҳсулотни нурлантириш зонасига олиб кировчи конвейер, маҳсулотни нурлантириш зонасидан олиб чиқувчи конвейер, карусель мосламасининг юклаш-юкни чиқарувчи ва карусель мосламасини айланишини таъминловчи механизмлардан иборат. Шунингдек, конвейерларни ҳаракатланиш ва карусель мосламасини айланиш тезлигини ўзгартирувчи иккита инвертордан ташкил топган. Кучли ток бўлим бошқариш блоки орқали бошқарилади.


Карусель мосламаси нурлантириладиган материал ва буюмларни электронлар дастаси зонасида илгариланма ва айланма ҳаракатлантириб, бир жинсли ва самарали радиациявий ишлов берилишини таъминлаган ҳолда узлуксиз радиациявий ишлов берилишга имкон беради. Нурлантириладиган материалларнинг турличалигини ҳисобга олган карусель мосламаси горизонтал ҳаракатланиш тезлиги, айланиш тезлиги ва айланишлар сонини бошқариш имконияти туфайли ҳар хил функцияларни бажаради.

Карусель мосламаси қуйидаги режимларда ишлайди:

1. Маҳсулот ҳаракатининг чизиқли тезлигини бошқарган ҳолда радиациявий ишлов бериш режими. Бу режимда кичик дозадаги нурланиш талаб этиладиган маҳсулотлар доимий тезлик билан айланишсиз илгариланма ҳаракатлантирилади.

2. Карусель мосламасининг айланишлар сонини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотни ўзининг вертикал ўқи атрофида айлантириш йўли билан

радиациявий ишлов бериш режими. Бу режимда маҳсулотлар тезлаштирилган электронлар дастаси таъсирида иссиқликдан зарарланмаслиги ва транспорт кутисиниг ҳажми бўйича бир текис нурланиш дозаси олиши учун карусель мосламасида (3-расм) айлантириш орқали нурлантирилади. Бунда электронлар дастаси фақат карусель мосламаси айланган вақтида таъсир этади, яъни электронлар дастасини бошқариш схемаси карусель мосламанинг айланиш схемаси билан боғланган.




1 – юкловчи-юкни чиқарувчи занжирли конвейер, 2 – карусель мосламаси столи, 3 – диск, 4 – вал, 5 – ток контактли халқалар, 6 – графит чўткалар, 7 – бурувчи стержень, 8 – втулка, 9 – пружина, 10 – доимий магнит, 11 – герметик контакт (геркон), 12 – пластина, 13 – доимий магнит, 14 – герметик контакт.

3 - расм. Карусель мосламасининг умумий шартли тасвири

3. Ютилган дозани ҳисобга олган ҳолда маҳсулотни карусель мосламасида айлантириш йўли билан радиациявий ишлов бериш. Ушбу режим катта миқдордаги ютилган дозани талаб этувчи маҳсулотларни юқори зичликдаги электронлар оқими (0.16 мкА/см^2) билан ишлов беришга мўлжалланган. Ишлов бериш жараёни нурлантириш вақтида объект сиртига тушаётган электронлар оқимини бошқариш билан амалга оширилади.

4. Стационар режимда радиациявий ишлов бериш. Бу режимда нурлантириладиган маҳсулотлар карусель мосламасининг столига жойлаштирилади ва вертикал ўқ атрофида берилган миқдордаги айланишлар сонига қадар айлантирилади.


Тезлаштирилган электронлар дастасининг характеристикаларини, нурлантириш залининг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ва электронлар дастасидан самарали фойдаланиш нуктаи назаридан қалин деворли полимер найчаларига радиациявий ишлов беришга мўлжалланган осма конвейер линияси ишлаб чиқилди ва ўрнатилди (4-расм).



1 – фаол қисм (бажарувчи механизм); 2, 3 – бурувчи механизм, 4 – ҳаракатлантирувчи механизм; 5 – тиргак; 6 – конвейер тизимининг занжири 7, 8, 9, 10 – кўмаклашувчи мослама; 11 – транспортер тизимнинг карусель мосламаси; 12 – транспортер тизимнинг маҳсулотларни нурлантириш зонасига олиб кирувчи ва ундан олиб чикувчи занжирли конвейери; 13 – электрон тезлатгич.

4 - расм. Осма конвейер линиясининг тезлатгич залига жойлашиши схемаси (юқоридан кўриниши)


Осма конвейер линиясининг полимер найчаларни бир жинсли нурлантиришини таъминловчи бажарувчи механизми 5-расмда келтирилган. Бажарувчи механизмнинг шакли электронлар оқимидан самарали фойдаланиш имкониятини беради, яъни конвейернинг бир цикл ҳаракати давомида нурлантирилаётган полимер найчалар нурлантириш зонаси орқали 4 марта ўтади. Бу механизмда полимер найчаларни бир жинсли нурлантиришни таъминлаш учун бурувчи мослама кўзда тутилган бўлиб конвейернинг ҳар бир айланиш циклида найчаларни 90^0 га айлантиради.



1 – конвейер тизимининг занжири; 2 – кўмаклашувчи мослама; 3 – таглик; 4 – тортувчи; 5 – бурувчи қурилма.

5 - расм. Осма конвейер тизимнинг бажарувчи механизмнинг принцинал схемаси (юқоридан кўриниши)

Юклар-юкни чиқарувчи қурилмаларнинг асосий қисми транспортёр тизимнинг бошқарув пулти ҳисобланади. Транспортёр тизимнинг пулти карусель мосламасининг датчиклари, электрон тезлатгични бошқарув пулти ва транспортёр тизимнинг бошқарув блоки билан ўзаро боғланган (6-расм).



6 - расм. Транспортёр тизимнинг блок схемаси

Диссертациянинг «Тиббиёт буюмлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини радиациявий зарарсизлантириш, полимер маҳсулотларини радиациявий чоклаш», деб номланган учинчи бобида тиббиёт буюмлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини зарарсизлантиришнинг оптимал ва максимал рухсат этилган дозаларини аниқлаш келтирилган. Тиббиёт буюмлари, материаллари ва уларнинг қадоқларига тезлаштирилган электронларнинг таъсири ўрганилган. Тиббиёт буюмлари ва фармацевтика препаратлари хом-ашёларини саноат миқёсида зарарсизлантириш учун бир жинсли нурлантиришни таъминловчи транспорт қутисига жойлаштириш схемалари тақдим этилган.

Жарроҳлик тикиш ипларининг сифати асосан зарарсизлантирилганлик даражасига ва уларнинг мустаҳкамлигига кўра аниқланади. Шунинг учун жарроҳлик тикиш ипларининг радиациявий ишлов берилгандан кейин юқори микробиологик тозаллигига ва уларнинг мустаҳкамлигини, эластиклигини сақланишига эришиш муҳимдир. Ипак толали жарроҳлик тикиш ипи (шартли рақами №4, 420-520 мкм диаметрли) 7.2 кГр дан 32.2 кГр гача ютилган дозаларда тезлаштирилган электронлар билан нурлантирилди. Радиациявий ишлов берилган ипак ипларининг микробиологик таҳлили 20.0 кГр ва ундан юқори ютилган дозаларда зарарсизлантирилганлигини кўрсатди. Радиациявий ишлов берилган жарроҳлик ипак ипининг (420-520 мкм диаметрли) мустаҳкамлигини ва нисбий узайишини турли ютилган дозалардаги тадқиқот натижалари 1 - жадвалда келтирилган.

Турли хил ютилган дозаларда радиациявий ишлов берилган жарроҳлик ипак ипининг (диаметри 420-520 мкм) узилиш юкламаси ва нисбий узайиши

№	Ютилган доза, кГр	Максимал узилиш юкламаси, Н	Нисбий узайиш, %
1	Нурлантирилмаган	48	22
2	7.2	45	20
3	9.2	47	20
4	11.4	44	19
5	12.1	48	22
6	14.1	43	23
7	15.2	45	20
8	19.1	44	23
9	20.0	45	22
10	24.3	46	21
11	30.1	44	24
12	32.2	46	24

Ютилган дозанинг ошиши билан узилиш юкламаларининг камайиши ипларнинг деградацияси билан боғлиқдир.


1-жадвалдан кўриниб турибдики, ипак жарроҳлик тикиш ипининг узилиш юкламаси радиациявий ишлов берилгандан кейин ~13 % гача камаяди, лекин бу қийматлар меъёрий хужжатларда талаб этилган қийматларга мос келади. Бу эса ипак жарроҳлик тикиш ипларини электронлар дастасидан фойдаланиб зарарсизлантириш имконияти мавжуд эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, 20 кГр ва ундан катта ютилган дозалар ипак жарроҳлик тикиш ипларини зарарсизлантириш дозаси ҳисобланади.

Кетгут жарроҳлик тикиш иплари (350-399 мкм диаметрли) намуналари энергияси 4 МэВ дан 7 МэВ гача, даста токининг зичлиги $0.05 \div 0.16$ мкА/см² интервалда бўлган тезлаштирилган электронлар билан радиациявий ишлов берилди. Зарарсизлантириш ва максимал рухсат этилган дозаларни аниқлаш учун кетгут иплари 10 кГр дан 30 кГр гача ютилган дозаларда нурлантирилди. Микробиологик таҳлиллар натижалари 25 кГр ва ундан катта ютилган дозалар кетгут жарроҳлик тикиш ипларининг зарарсизлантирилганлигини кўрсатди.

Турли ютилган дозаларда шартли рақами №2/0 (диаметри 350-399 мкм) бўлган кетгут жарроҳлик тикиш ипининг тугундаги мустаҳкамлиги тадқиқот натижалари 7-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, ютилган дозанинг ортиши билан деградация туфайли ипнинг мустаҳкамлиги камаяди.

Кетгут жарроҳлик тикиш ипи (350-399 мкм диаметрли) узилиш юкламасининг ютилган дозага боғлиқлиги қуйидаги чизиқли функция кўринишда аппроксимация қилинади (7-расм): $P_A = -0.14D + 35.2$ ип учун ва

$P_B = -0.21D + 22.8$ ип тугуни учун.




7 - расм. Кетгут жарроҳлик тикиш (шартли рақами 2/0) ипининг (А) ва ип тугундаги узилиш юкламасининг (В) ютилган дозага боғлиқлиги

Боғлиқлик графигидан кўриниб турибдики, ютилган дозанинг ошиши мустақкамликнинг камайишига олиб келади. Боғлиқлик формулалари кетгут ипи ва унинг тугуни мустақкамлиги учун қуйи ва юқори қийматларини ТШ 15344047-001 да рухсат этилган оғишлар билан аниқлаш ҳамда минимал ва максимал дозаларни танлаш имконини беради.

Шундай қилиб, кетгут жарроҳлик ипини зарарсизлантиришни таъминлаш учун 25 кГр ютилган доза оптимал доза ҳисобланади.

Кетгут жарроҳлик тикиш ипларини саноат миқёсида зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқиш учун кетгут ипи транспорт қутисига кетгут индивидуал қадоғининг сиртига электронлар дастаси перпендикуляр тик тушадиган қилиб жойлаштирилди. Кетгут жарроҳлик тикиш ипларини ва радиоҳромли пленкали дозиметр детекторларини транспорт қутисига жойлаштириш схемаси 8- расмда келтирилган.




■ – индивидуал қадоқда 10 дондан кетгут жарроҳлик тикиш ипи;
 ■ – радиоҳромли пленкали дозиметр детектори.

8 - расм. Кетгут жарроҳлик тикиш ипларини ва дозиметр детекторларни транспорт қутисига жойлаштириш схемаси (юқоридан кўриниши)

Рақамлар (8-расм) билан радиоҳромли пленкали дозиметр детекторларнинг транспорт қутисидида назорат нукталарига жойлаштирилган ўрни кўрсатилган (ҳар хил қатламларда). Бундай жойлаштириш схемаси кетгут жарроҳлик тикиш ипларини транспорт қутисидида нотекислик коэффициентининг қиймати D_{\max}/D_{\min} $27.2/23.2$ кГр = 1.17 га қадар зарарсизлантириш имконини беради.

Мазкур жойлаштириш схемасидида транспорт қутисига 1200 қадоқ кетгут жойлашиб, 0.12 м³ ҳажмни эгаллайди. Электронлар дастаси токи зичлигини ва тезлаштирилган электронлар энергиясини ҳисобга олган ҳолда бир соатда 2 м³ гача жарроҳлик тикиш ипини транспорт қутисидида зарарсизлантириш мумкин.

Индивидуал ўрамда қадоқланган (полимер қопламали қоғоз) тиббиёт латекс қўлқоплари энергияси $5\div 7$ МэВ, даста токининг зичлиги 0.04 мкА/см² дан 0.12 мкА/см² гача бўлган тезлаштирилган электронлар билан 7 кГр дан 55 кГр гача ораликдаги ютилган дозада нурлантирилди. Ютилган дозаси $21\div 55$ кГр бўлган интервалда радиациявий ишлов берилган тиббиёт қўлқоплари зарарсизлантирилганлигини микробиологик таҳлил натижалари кўрсатди.




9 - расм. Тиббиёт қўлқопи материалининг узилиш юкламасини ютилган дозага боғлиқлиги

9-расмдан кўриниб турибдики, ютилган дозанинг қиймати 10 кГр гача ошиши билан қўлқоп материалининг узилиш юкламаси чизиқли ортади. Буни молекуляр занжирлар орасидида янги боғларнинг ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин. Ютилган дозанинг кейинги оширилиши узилиш юкламаси чизиқли камайишига олиб келади, бу эса молекулаларнинг деградацияси билан тушунтирилади.

Тиббиёт қўлқопининг мустаҳкамлиги меъёрий ҳужжатларга мос келадиган зарарсизлантириш ва максимал руҳсат этилган доза $21\div 28$ кГр интервалдаги ютилган доза ҳисобланади.

Транспорт қутисидидаги маҳсулотнинг сиртий зичлигини ва электронлар энергиясини ҳисобга олган ҳолда тажриба йўли билан тиббиёт қўлқопларини транспорт қутисига оптимал жойлаштириш схемаси аниқланди (10-расм).




10 - расм. Тиббиёт қўлқопларини гофрали картон транспорт қутисига жойлаштириш схамаси (юқоридан кўриниши)

Бунда транспорт қутисининг сиртий зичликни камайтириш учун маҳсулот транспорт қутисининг периферий қисмига жойлаштирилди, яъни қутининг ўртасида бўш жой қолдирилди. Тиббиёт қўлқоплари мазкур жойлаштириш схемасида радиациявий ишлов берилганда нотекислик коэффицентининг қиймати $D_{\max}/D_{\min} = 25.4/21.1 = 1.2$ га тенг бўлиши аниқланди.

Рақамлар билан радиохромли пленкали дозиметр детекторларнинг транспорт тарасида назорат нуқталарига жойлаштирилган ўрни кўрсатилган (пастки ва юқори қатламларга). Бундай жойлаштириш схемасида транспорт қутисига 400 жуфт тиббиёт қўлқоплари жойлашади.

Нотўқима материалдан тайёрланган бир марталик жарроҳлик тўпламлари материалларининг узилиш юкламаларини ютилган дозага боғлиқлиги 11 – расмда келтирилган.



11 - расм. Нотўқима материалдан тайёрланган жарроҳлик тўпламлари материалларининг узилиш юкламаларини ютилган дозага боғлиқлиги (А – узунлик бўйича; В – кенглиги бўйича)

11-расмдан кўриниб турибдики, ютилган дозанинг ортиши билан узилиш юкламасининг қиймати камаяди. 25 кГр ютилган дозагача ишлов берилган нотўқима материалдан тайёрланган жарроҳлик тўпламлари

материалларининг узилиш юкламаларининг ўлчанган қийматлари рухсат этилган четлашишларга мос келади.

Ушбу боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда ва микробиологик таҳлилларга асосан нотўқима материалдан тайёрланган жарроҳлик тўпламларини радиациявий зарарсизлантиришнинг ютилган дозасининг оптимал қиймати 20÷25 кГр интервалида эканлиги аниқланди.

Крахмал ва капсулага қадоқланган седатив восита седоник намуналари даста токининг зичлиги 0.02÷0.09 мкА/см² бўлган тезлаштирилган электронлар оқимида 10 кГр дан 30 кГр гача ютилган дозаларда нурлантирилди. Микробиологик таҳлил натижалари 20 кГр ва ундан юқори ютилган дозаларда ишлов берилган крахмал ва седоник намуналари зарарсизлантирилганлигини кўрсатди.

Седоникни зарарсизлантирилганлиги тадқиқ этиш билан бир қаторда унинг дориворлик сифат кўрсаткичларини сақланганлиги ҳам текширилди. Седоникни 20.3 кГр ютилган дозада радиациявий ишлов берилгандаги микробиологик таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.


Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, энергияси 3÷5 МэВ электронлар дастаси токининг зичлиги 0.08 мкА/см² гача бўлган электронлар билан крахмални ва даста токининг зичлиги 0.05 мкА/см² гача бўлган электронлар билан седоникни 20.3 кГр ютилган дозада радиациявий ишлов берилиши бактерия ва замбуруғларнинг ўсиши тўхтатилишига олиб келади.

2-жадвал

20.3 кГр ютилган дозадаги седоник кукунини дориворлик сифати кўрсаткичлари


№	Кўрсаткич номлари	№42 МХ Ўз-5341-2009 талаблари	Радиациявий ишлов берилгандан кейинги натижа	Мослиги
1	Тавфсифи	Ўсимлик кукунини, ранги оч-қўнғирдан сариқ-жигарранг тусгача	Ўсимлик кукунини, ранги оч-қўнғирдан сариқ-жигарранг тусгача	Мос
2	Таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси	Битта капсуланинг ўртача массасига ҳисобланганда таркибида 0.0007 г дан кам бўлмаслиги керак	0.0028 г	Мос
3	Таркибидаги полифеноль бирикмалар	Битта капсуланинг ўртача массасига ҳисобланганда таркибида 0.004 г дан кам бўлмаслиги керак	0.0299 г	Мос

Поливинилхлорид полимер найчаларини радиациявий чоклаш усулини ишлаб чиқиш учун ўртача энергияси 5 МэВ, электронлар даста токи зичлиги 0.05-0.10 мкА/см² бўлган ва 20÷120 кГр ютилган доза интервалида тезлаштирилган электронлар билан радаициявий ишлов берилди. 12–расмда поливинилхлорид изоляция найчасининг механик мустаҳкамлиги (узилиш мустаҳкамлиги) ютилган дозага боғлиқлик графиги келтирилган.



12 - расм. Поливинилхлорид изоляция найчасининг механик мустаҳкамлиги (узилиш мустаҳкамлиги) ютилган дозага боғлиқлиги

Радаиациявий ва ундан кейин иссиқлик таъсирида ишлов берилган поливинилхлорид изоляция найчасининг тажриба натижалари 13–расмда келтирилган.



а–ишлов берилмаган; б–радаиациявий ва ундан кейин иссиқлик таъсирида ишлов берилган диаметри катталаштирилган; в–иссиқлик таъсирида кичрайтирилган.

13 - расм. Радиациявий ва ундан кейин иссиқлик ишлов берилган поливинилхлорид изоляция найчалари

Хулоса қилиш мумкинки, энергияси 3÷5 МэВ, электронлар дастаси токининг зичлиги 0.06÷0.10 мкА/см² бўлган тезлаштирилган электронлар билан радиациявий ишлов берилган поливинилхлорид изоляция найчаларининг физика-механикавий хоссалари 30÷50 кГр ютилган дозаларда максимал яхшиланишга эришади.

Тажриба натижаларидан, радиациявий чокланган поливинилхлорид изоляция найчалари диаметрининг иссиқликдан қисқариш коэффиценти 2 қийматига 40 ÷ 100 кГр ютилган доза интервалида эришиши аниқланди.

ХУЛОСА

«Радиациявий технологик комплекси базасида тиббиёт ва полимер маҳсулотларига, фармацевтика препаратлари хом-ашёларига ишлов бериш технологияларини яратиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. “Электроника У-003” электрон тезлатгичи базасидаги радиациявий технологик мажмуасида тасмали ва занжирли конвейерли транспортер тизим, ҳаракатланиш ва айланиш тезлиги бошқариладиган карусель мосламаси ҳамда полимер найларига радиациявий ишлов беришга мўлжалланган осма конвейер линияси яратилди.
2. Полимер материалларини, тиббиёт буюмлари ва фармацевтика хом-ашёларини бир жинсли нурлантиришни таъминловчи, ўзининг вертикал ўқи атрофида берилган айланишлар сони бўйича айланувчи автоматлаштирилган ва масофадан бошқариш пультага эга карусель мосламаси конструкцияси ишлаб чиқилди.
3. Тажрибалар асосида кетгут ва ипак толали жарроҳлик тикиш ипларини физика-механикавий хоссаларини сақлаган ҳолда саноат миқёсида зарарсизлантиришнинг юқори самарадорликка эга бўлган радиациявий усули ишлаб чиқилди ва зарарсизлантиришнинг технологик шароитлари аниқланди.
4. Нотўқима материалдан тайёрланган бир марталик жарроҳлик тўпламлари материалларининг узилиш юкламаларини ва эластиклик модулининг ютилган дозага боғлиқлигига асосан олинган маълумотлар бўйича максимал рухсат этилган дозани аниқлашга имкон берувчи чизиқли боғлиқлик аниқланди.
5. Бир марталик латекс тиббиёт қўлқопларини транспорт қутисига жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилди ва татбиқ қилинди. Мазкур жойлаштириш схемаси Ядро физикаси институтининг «Электроника У-003» электрон тезлатгичи қурилмасида фойдаланилмоқда ва кўп миқдордаги маҳсулотларни бир жинсли нурлантириш имконини бермоқда.
6. Фармацевтика препаратлари хом-ашёси ҳисобланган крахмал ва седатив восита седоникни юқори даражада зарарсизлантиришга имкон берувчи радиациявий зарарсизлантириш усули ишлаб чиқилди.
7. Ўтказилган тажрибалар таҳлили асосида поливинилхлорид изоляция полимер найчаларини радиациявий чоклаш усули яратилди. Мазкур ишлаб чиқилган усул бўйича тезлаштирилган электронлар билан ишлов берилган полимер материаллари яхшиланган сифат кўрсаткичларига эга бўлмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ,
АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ

ИСМАТОВ НОРМАМАТ БЕКНАЗАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЙ ОБРАБОТКИ МЕДИЦИНСКИХ,
ПОЛИМЕРНЫХ ИЗДЕЛИЙ И СЫРЬЯ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ
ПРЕПАРАТОВ НА БАЗЕ РАДИАЦИОННО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО
КОМПЛЕКСА**

01.04.01 – Приборы и методы экспериментальной физики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/T967.

Диссертация выполнена в Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель:

Ташметов Маннаб Юсупович
доктор физико-математических наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Рахматов Ахмад Зайнидинович
доктор технических наук, профессор

Абдуллаева Гаяна Артоевна
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2018 года в _____ часов на заседании Разового научного совета на базе Научного совета DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики, Астрономическом институте, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289–31–18; факс: (+99871)289–36–65; e-mail: info@inp.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100214, г. Ташкент, поселок Улугбек, ИЯФ. Тел.: (+99871) 289–31–19).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2018 г.
(Реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2018 г.).

С.В.Артемов,
зам. председателя Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., с.н.с.

Э.М. Турсунов,
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н.

И. Нуритдинов,
председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире интенсивное развитие медицинской технологии и фармакологии предъявляет высокие требования к степени стерильности медицинских изделий и сырья фармацевтических препаратов, а использование полимерных изделий в различных отраслях промышленности требует придания конечным продуктам новых качеств и свойств. Для обеспечения возрастающей потребности в стерилизации продукции, обработке полимерных изделий с целью улучшения характеристик и придания новых свойств применяются ускорители электронов, являющиеся основной частью радиационно-технологических комплексов.

В мире особое значение уделяется научно-исследовательским работам по созданию радиационно-технологических комплексов, в состав которых входят ускоритель электронов, транспортная система, специальные помещения, обеспечивающие безопасность персонала и качественную обработку изделий. Поэтому разработка, создание и внедрение в производство универсальных и высокоэффективных радиационных комплексов на базе ускорителя электронов является приоритетной задачей. На основе ускорителей электронов разработаны и созданы множества радиационных комплексов. Созданные комплексы предназначены для решения конкретных задач, таких как осуществление стерилизации медицинских изделий и сырья фармацевтических препаратов, либо для проведения радиационной модификации полимерных изделий. Существуют технологии обработки многих изделий и материалов, однако они разработаны именно для конкретного радиационно-технологического комплекса с учетом его характеристик, исходного состояния и загрязненности изделий.

На сегодняшний день в республике функционируют более 150 производителей медицинских изделий и лекарственных средств, выпускающих около двух тысяч наименований изделий и фармацевтических препаратов. Большинство изделий требует проведения стерилизации с высоким качеством и в промышленных масштабах. Функционирует Шуртанский газохимический комплекс, производящий полимеры и полимерные изделия, улучшение свойств которых позволит расширить сферу их применения. Поэтому создание радиационно-технологического комплекса и разработка способов обработки различных изделий являются актуальными, позволяют сократить зависимость от импорта и обеспечить часть потребностей республики. Особое внимание уделяется исследованиям по стерилизации медицинских изделий, фармацевтических препаратов и улучшению свойств полимерных изделий, позволяющим осуществить качественную обработку с наименьшими финансовыми затратами. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики

Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017–2021 годы¹ определены задачи для выполнения программы по разработке и внедрению способа радиационной стерилизации медицинских изделий, сырья фармацевтических препаратов и сшивки полимерных изделий.

Данное диссертационное исследование в определённой степени соответствует задачам, обозначенным Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, №ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» от 27 апреля 2018 года, №ПП-3698 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» от 7 мая 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан – VI. Медицина и фармакология и VII. Химические технологии и нанотехнологии.

Степень изученности проблемы. По разработке радиационно-технологического комплекса на базе ускорителя электронов для решения научно-практических проблем по радиационной стерилизации медицинских изделий и радиационной обработке полимерных материалов и изделий проведен большой объем работ многими учеными мира, в частности, российскими (В.Л.Ауслендер, А.А.Брызгин, М.В.Коробейников, А.А.Завадцев, И.В.Радченко, Л.А.Воронин, Э.А.Мирочник, В.М.Пироженко, М.Ф.Ворогушин, А.П.Строкач, О.Г.Филатов, Ю.Н.Гавриш, С.В.Будник, Н.В.Завьялов, И.А.Иванин), китайскими (L.Najie, Z.Mingsheng), польскими (Z Zimek, I.M.Kaluska), американскими (C.S.Nunan, M.R.Cleland, R.W.Hamm), английскими (G.Burt), индийскими (D.Kanjilal), японскими (K.Takayama, S.Igarashi) и другими специалистами. Эти работы посвящены разработке и созданию радиационно-технологического комплекса с определенными параметрами и для решения конкретных задач: стерилизации медицинских изделий, обеззараживанию сырья фармацевтических препаратов и радиационной модификации полимеров.

Узбекские ученые (М.Ю.Ташметов, Б.С.Юлдашев, Ш.Махкамов и др.) внесли весомый вклад в решение вопроса о радиационной стерилизации медицинских изделий и сырья фармацевтических препаратов, а также о радиационной обработке материалов с улучшением их качества на гамма-установке Института ядерной физики АН РУз.

Однако медицинские изделия, сырье фармацевтических препаратов и полимерные изделия обрабатывались по технологиям, разработанным с

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 г.

учетом параметров отдельных радиационно-технологических комплексов. Поэтому необходимо разработать технологию стерилизации, обработки каждого изделия исходя из характеристик и возможностей конкретного радиационно-технологического комплекса. Радиационно-технологический комплекс создается с учетом параметров ускорителя электронов и нормативных документов для каждой страны.

Связь темы диссертационного исследования с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнялась в рамках научно-исследовательских проектов Института ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан по темам А10-ФА-Ф130 «Разработка технологии радиационной стерилизации медицинских изделий и фармацевтических препаратов на базе ускорителя электронов “Электроника У003”» (2012–2014), ФА-А12-Ф008 «Разработка технологии радиационной сшивки полимерных термоусаживаемых изделий на базе ускорителя электронов “Электроника У-003”» (2015–2017) и И2-ФА-Ф010 «Освоение технологии радиационной стерилизации медицинских изделий и сырья фармацевтических препаратов в производственных условиях» (2016–2017).

Целью исследования является создание радиационно-технологического комплекса на базе ускорителя электронов «Электроника У-003» и разработка способов радиационной стерилизации медицинских изделий, сырья фармацевтических препаратов, а также способа сшивки полимерных изделий.

Задачи исследования:

создание транспортной системы конвейерного типа для ввода в зону облучения и вывода из зоны облучаемых изделий;

разработка и изготовление карусельного транспортера, обеспечивающего высокую однородность облучения обрабатываемых изделий, и подвесной конвейерной линии для радиационной обработки трубчатых полимерных изделий;

разработка и создание дистанционного пульта для автоматизированного управления транспортной системой и подвесной конвейерной линией;

разработка способа радиационной стерилизации хирургических шовных материалов, медицинских натуральных латексных перчаток и хирургических одноразовых изделий из нетканых материалов;

разработка способа радиационного обеззараживания сырья фармацевтических препаратов – крахмала и седативного средства седоник;

разработка способа радиационной сшивки полимерных материалов и изделий с приданием свойства термоусадки;

